

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

АСОСИЙ ҚОНУНИ — АМАЛДА!

1992 йил 8 декабрь кунини давлатимиз олий кенгаши Ўзбекистон Республикасининг конституциясини қабул қилди

Тошкент

Иқтисодий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 242 (8. 184) 1992 йил 9 декабрь, чоршанба Нархи 3 сўм

* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ нутқи

Ассалому алайкум, халқ ноиблари!

Азиз ва муҳтарам юрдошлар!

Олий Кенгашимизнинг бу маънавияти йил охирига — қиш кираётган пайтга тўғри келди. Халқимиз, меҳнат аҳлининг барча соҳаларда муносиб галаба ва ютуқлар билан йилни яқунлаяпти.

Ушбу анжуманда кўпчилик иштирокида ҳудудлар, шаҳарлар, туманларнинг фаолияти қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғланган ноиблар ўтириши бўлди. Бу йил қишлоқ ҳудудлари соҳасида жуда оғир келди. Аммо табиат инжиқликларига қарамай, деҳқонларимиз тер тўкиб, муносиб ҳосил етиштирдилар.

Имкониятдан фойдаланиб, савдо, муҳтарам халқ ноиблари, сиз орқали барча деҳқон аҳлига ўз миннатдорчилигини, ўз меҳрини изҳор этмоқчиман. Қўлингиз дард кўрмасин!

Муҳтарам ноиблар!

Мустақилликимизнинг бир йиллигини яқиндагина нишонладик. Албатта, бир йил дегани абдиёт дунёда бир дақиқа каби қисқа фурсатдир. Аммо, сарҳисоб этадиган бўлсак, шу бир йил ичида республикада қанчадан-қанча воқеалар юз берди!

Асосий мавзуга ўтишдан олдин, ҳаётимиздаги ҳозир

ги даврга хос баъзи бир хусусиятлар, қадриятлар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман.

Аваламбор, шунинг таъкидламоғимиз керакки, қисқа муддат мобайнида юрдошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу, энг аввало, сиёсий савияга тегишли гап. Истиқлол туйғайди кишиларимизнинг Ватанга, она заминга меҳри муносабати шаклланиб борапти. Шунинг оқибатида шунинг зарур: илгари бутун совиқ СССР харитасини қараб олган Ватан туйғусини онгимизга сиғдириш таъминоти кучли эди.

Бугун эса Ватанимиз мубайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз ўзини куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этами.

Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этишни ва бундан фахрланишни, Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло ялғизлашмаган бўламиз.

Ватан, ватандошлик туйғуси эсини маънавияти туйғусидан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди.

Бугун диққат қилсак, истиқлол кўлга киритилганидан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик. Шу туйғайди бар



чамиз вазиимлашиб, ўз қадриятимизнинг тереңроқ аниқлаш бошладик.

Бугун биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда ивголларга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик.

Бугун биз бир нарсани аниқ биламиз: вақти-соати келиб, Ўзбекистон давлати росманга куч-қудрат касб этди. Ўз бойлигига, ўзинга хос ва гоёт мукамал ҳамда буюк давлат тизимига эга бўлади.

Муҳтарам халқ ноиблари! Таъкид этиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу — танланган йўлга ишончимиз. Бу — халқнинг улдуз мақсадиимизга ишонгани.

Халқимизга қуруқ ваъдалар эмас, балки аниқ режалар керак. Бемалол айтиш мумкинки Сиз билан биз чиқарган қонунлар ва фармонларда асосли имкониятлар ва аниқ бажарса бўладиган режалар ўз ифодасини топди.

Ҳаётимизни айрим совиқ Иттифоқнинг республикалар — бугунги янги мустақил давлатлар ҳаёти билан қиёслаш, бизнинг халқимизнинг бошқиб, дабдабозликка берилмасдан, тинч, қадим-қадим яратилган фаолияти билан байқ эканлигини кўрамиз. Ишчи — дастгоҳ ёнида, деҳқон —

(Давоми 2-бетда)

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 8 декабрь кунини Тошкентда иш бошлади. Олий Кенгаш раиси Ш. М. Иўлдошев мажлисини бошқариб борди.

Халқ ноиблари вафот этган ноиблар Х. Ҳалимов ва А. И. Захаровни бир дақиқа сукут сақлаб хотирладилар. Мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев шу комиссия номидан маъруза қилди. Олий Кенгаш янги сайланган ноиблар — Т. Жураев (35-Профессорлар сайлов округи), А. М. Муталов (38-Университет сайлов округи), А. А. Андарқулов (330-Хатирчи сайлов округи), А. Мардиёв (301-Қорадар сайлов округи)ларнинг ваколатларини тасдиқлади.

Ноиблар сессия котибиятини сайладилар, кун тартибни тасдиқладилар. Кун тартибига ўттиздан ортиқ масала киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг раиси И. А. Каримов парламент аъзолари ҳузурида Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий соҳада тугган йўли, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини модала-модала муҳокама этилганидан сўнг гулдуроқ қарарлар билан қабул қилинди.

Олий Кенгаш қабул қилган Қонунига 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини кунини, деб эълон қилинди.

Олий Кенгаш Конституцияни кучга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов халқ ноибларини, республиканинг барча фуқароларини тарихий воқеа — мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясини қабул қилингани билан табриқлади.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишини давом эттирмакда.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади: Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1992 йил 8 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ

ЭЪЛОН ҚИЛИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади: Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилинганини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кунини, деб эълон қилинсин.

8 декабрь дам олиш кунини ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1992 йил 8 декабрь.

ЭРК, ҳақ-ҳуқуқ, тенглик, биродарлик хусусида халқимизда, умуман Шарқда ниҳоятда ибратли ҳикоятлар, тарихлар, эзма манбалар мавжуд. Чини билан ҳам кечакундуз тер тўкиб меҳнат қилаётган одамдан: «Сен нимани истайсан, сенга нима керак?» деб сўрасангиз ҳеч маҳал менга фалон нарсани бер деб даъво қилмайди. Ансича, пешонасидаги терни артиб: «Менинг нималарга ҳаққим бор ўзи?» деб сўрайди.

Юртимиз тарихини синчиқлаб ўрганиб кўрсак, ҳар бир шохлиқ даврда ўзи амал қилган қонунлар маъмури борлигига амин бўламиз. Ушбу қонунлар ўз даврида иқтисодий, сиёсий маълум даражада иста солиб, бошқариб турган, албатта.

Салкам етмиш беш йил давом этган «янги» «қизил империя» даврида ҳам Ўзбекистоннинг Конституцияси бўлган. У, агар таъбир жоиз бўлса, СССР Конституцияси деб номланган, «бахтимиз қомуси» деб алқалган Асосий Қонулар маъмурида ўзбек тилидаги нусхаси бўлган, холос. Шундоқ десам кўпчилигининг дилидаги гапни айтган бўламиз.

Бугунги тонг ўтган етмиш йиллик умримиздаги дардларимизга малҳам қўйди.

Бугунги тонгда Мустақил Республикаимиз уфқида иккинчи кўч мисоли Бахтимиз Қонуни, бу гал чинанам асл, Бахтимиз Қонуни баллиб чиқди: Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи эр ва бахт маъмури — Конституцияимиз Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинди. Демакки ушбу сессия ҳам юртимиз солимоқсига «тарихий» унвони билан абдиёт эйриб эътибор қўйилди.

Ушбу сарафроз оилар қувончига мушарраф бўлмоқ учун неча-неча йилларнинг куюни, довуларини бошдан кечирдик. Нега-нега дамларда тош келса кемирдик, сув келса симирдик. Оқир-оқибат қушдек нурли Қомусга мушарраф бўлдик.

* Биринчи саҳифадан сўз

ЮРТИМИЗНИНГ

САРАФРОЗ ТОНГИ

Мирной ФАЙЗИЕВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Янги Конституцияимиз лойиҳасини яратиш, уни қабул қилиш учун босқинчи ўз бошидан кечирди. Биринчи босқинчи янги Конституция концепциясини ишлаш, иккинчиси муҳокама қилиш, учинчи босқинчи эса ҳокимиятнинг олий органида шу лойиҳани муҳокама этиш ва бир овоздан қабул қилишдан иборат бўлди.

Биринчи босқинчи Конституция комиссияси концепцияни ишлаб берди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходимлари ҳам ўз концепциясини ишлаб берди. Бизники, жумладан, бошқа концепциялар орасида иккинчи ўринни эгаллади. Бизнинг концепцияимиз ҳозирги эълон қилинган Конституция билан ҳамоҳанглиги ниҳоятда фахрлидир.

Иккинчи босқинчи кенг халқ оммаси ўртасида муҳокама қилиш билан боғлиқ бўлди. Маълумки икки ой давомида Конституцияимиз лойиҳасини муҳокама қилдик. Икки ой давомида лойиҳа матбуотда ва радио, телевидение орқали, меҳнат жамоалари ва олий ўқув юртларида қизғин муҳокама, баҳсларга сабаб бўлди. Ингирма биринчи ноябрда эса иккинчи лойиҳа эълон қилинди. Унда илгарики муҳокама даврида билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларнинг инобатга олингани қувончимизга қувонч қўшди.

Айниқса, Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда конституциявий қурилиш ва ҳўқуқий давлат муаммолари» маърузалиги нуфузли халқаро анжуманининг ҳам бошдан оёқ билинган Конституцияимиз муҳокамасига бағишлангани қадимийга чексиз шукўқ берди. Қўриқиб турибдиган, бизнинг Конституцияимиз ҳам жаҳон таърибаси, ҳам Ўзбекистоннинг ўз бой таърибаси асосида юзага келди.

Ушбу биринчи сўзда ҳар биримизнинг таърибимиз, тинчлигимиз, келажакимиз ўз аксини топган! Унинг билан ҳар қандай мушкулотимиз ҳал бўлсин, ҳар қандай голлар ҳам барҳам топсундир. Шундай муҳтарам қонуни яратишда бошқоқ бўлган Президентимиз Ислом Каримовга, у бош бўлган Ўзбекистон Конституция комиссиясига ўн қарра раҳмат айтсак кам бўлади!

Азиз юрдошлар!

Ўзбекистон Республикасининг биринчи демократик Конституцияси барчангизга муборак бўлсин!

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Яқин вақт ичида республикаимиз пойтахти аҳолиси яна бир қўшма корхона ишлаб чиқарган махсулотлардан баҳраманд бўлади. Покистоннинг «Барри интерпрайси» фирмаси унинг мавқисси бўлади. «Лазор» деб аталувчи бу корхона эмиқасида нафақат тикуччилик саноатини ташкил этиш, балки кийим-кечаклар дўконларини очиб, гелеоқуртилмалар ёрдамида сабаваотларни қўриштириш вазираси ҳам кирди.

● Америка-Исроил бирлигининг биринчи делегациясининг Ўзбекистон Республикасига таърифи ниҳоятда етди.

● Тошкентда гастрология ва ошқозон-ичак хасталиклари муаммоларига бағишланган ўзбек-француз симпозиуми бўлиб ўтди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Кеча Россия халқ депутатларининг VII съезидда Президент Борис Ельцин сўзга чиқди. У депутатлардан ҳуқуқат бошлиги лавозимига Е. Гайдар номзоди учун овоз беришларини сўради.

● Хабаровск ўлкасида ўрмон саноатини хусусийлаштириш бошланди.

● Янги уй-жой ислотиғига кўра Москвада келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб квартира ҳақини 2,5 баравар ошириш, 1994 йил 1 июлдан эса 48 баравар ошириш қўзда тутилмоқда. Кам таъминланганларга ёрдам бериш мақсадида ҳар ойда уй-жой нафақаларини беришни йўлга қўйиш ҳам қўзда тутилмоқда.

ХОРИЖДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ялпи мажлисида Марказий Америкадаги вазият ва БМТнинг 50 йиллигини байрам қилиш тўғрисидаги маърузалар тингилди.

● Вашингтонда Шарқий Европа мамлакатлари ва совиқ СССР давлатларига сармоюдорлик масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.



● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини қабул қилган XI сессиясида иштирок этган суратдаги халқ депутатлари Асосий Қонунимиз қабул қилинишининг жонли гувоҳи Владимир Молгачёв суратлари.

УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАЛАРИ

КЕЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ БАРЧА РАЙОНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МИТИНГЛАР ВА ЙИГИЛИШЛАР БУЛИБ ЎТДИ

СОБИР РАҲИМОВ. Тошкент чинни заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Олий Кенгаш ўн биринчи сессияси мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилганлиги тўғрисида хабар топганлари заҳотиёқ тантанали митингга тўпландилар.

Бу хушхабарни корхона директори, Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати Файзулла Раҳматуллоев олиб келди. У ҳозиргина халқ но-

иблари гоёт кўтаринки руҳда мамлакатимиз Асосий Қонунини қабул қилганлигини ҳаяжонланиб гапириб берди. Файзулла Раҳматуллоев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сессиядаги ёрқин, дастурий нутқи тўлалигича қўйиб, гоёт кучли таъсирот қолдирганлигини алоҳида таъкидлади.

Митингга сўзга чиққан ишчи ва хизматчилар Олий Кенгашнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисидаги буюк

тарихий қарорини қизғин қўллаб-қувватладилар. Меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига, ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясининг раёсатига табрик телеграммаси йўллади.

Республика Асосий Қонуни қабул қилиниши муносабати билан тантанали митинг «Мевазора» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Собир Раҳимов район-

нинг ҳокими Қудратилла Рафиқов, маҳалла комитетининг раиси Яҳё Иброҳимов мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясини қабул қилган Олий Кенгаш тарихий қарорининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

МИРОБОД. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 600 нафардан кўпроқ ишчи ва хизматчиси сменапар алмашиниладиган пайтда 4-цехга тўпланди. Тантанали митингга сўзга чиққан Йўғучи Наталья

Кербаинова, касабга уюшмаси комитети раисининг ўринбосари Игорь Чернов, механик Туроб Сиддиқов, цех бошлиғи Маъруф Саидмуров, директор ўринбосари Урғинбой Худойберганов бутун меҳнат жамоаси номидан Республика Президенти ва давлатимиз мустақиллиги, миллатлараро тотувлигини таъминлашга қаратилган сиёсатини яқдлик билан қизғин қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Митингга қабул қилинган қарорда улкан тарихий воқеа

— мустақил Ўзбекистон Конституциясини қабул қилинганиги муносабати билан чуқур мамнунат билдирилди.

ЮНУСОБОД. Мустақиллик туйғайди бизга тухфа қилинган буюк қадрат — Ватаннинг ажралмас қисми сифатида ўзини ҳис этиш учун фахрланиш — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиниши тантанали митингга тўлалигича «Юлдаш» тикуч ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг ҳис-туйғуларини шундай ифода қилди. Ана шу гуруҳ, қувонч, ҳаяжон тўғрисида 10-цех бошлиғи Фарид Нуридинов, ишчилардан Ойгул Хусанова, Галина Закарпална, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бирлашма ташкилотининг котиби Т. Собитов, Юнусобод район ҳокими Рустам Қаленов

гапирдилар. Митинг қатнашчилари барча меҳнат жамоалари, Республика фукороларига қарата нуронаят қабул қилдилар.

ЯККАСАРОЙ. Райондаги тиббиёт ходимлари, меҳнат жамоаларининг вакиллари Тошкент тўқимачилик комбинати тиббиёт-санитария қисмига тўпландилар. Бу ерда бўлиб ўтган тантанали митингга сўзга чиққан врач Шухрида Мўминова, тиббиёт ҳамширалари Анастасия Манупова, Мария Федотова, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудир Шокосим Шобедқаримов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби С. Давронов, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги гояларига содиқлик, умуминсоний қадриятлар, дўстлик ва қардош-

лик, тотувлик ва яқин қўшничилик ўзининг ёрқин ифодасини топганини чуқур мамнунат билан гапирдилар.

АУСТАКИЛ Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясини қабул қилинганига бағишланган тантанали митингга ва йиғилишлар, шунингдек Сергели районидagi «Файз», Ҳамза районидagi «Ташсельмаш», Чилонзор районидagi «Шарқ» бирлашмаларида, Акмал Икромов районидagi сут комбинатида, Бектемир районидagi Сув ҳудудини назарда тутиб, таърифи вазираси, Шайхонтоҳур районидagi «Хувайдо» маҳалласида, Мирзо Улугбек районидagi «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида, бошқа меҳнат жамоалари, аҳоли турар жойларида бўлиб ўтди.

